

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI  
TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ VU62166310**

1. Loyihaning turi.

**Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi.

**Pudrat shartnomasi.**

"SADAF STROY KAMFORT" Mas'uliyati cheklangan jamiyati tomonidan umumiyligi 884 105 413 so'mlik Asaka tuman Tibbiyot birlashmasi tasarrufidagi "Markaziy shifoxona"ning kir yuvish binosini tamirlash ishlarini amalga oshirish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

**Asaka tuman Tibbiyot birlashmasi 25.11.2021 yil.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**Y.A.Musaev**

2021 yil 30 noyabr

**Бино-иншиотларини таъмирлаш тўғрисидаги Пудрат шартномаси  
№ 4**

Асака тумани

22 июнь 2022 йил

Асака туман Тиббиёт бирлашмаси фаолиятини таъминлаш ва ташкил этиш Асака тумани бўлими номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи, раҳбари Ш Камолов бир томондан, кейинги ўринларда «Буортмачи» деб юритилувчи ва "SADAF STROY KAMFORT" Масъулияти чекланган жамияти Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари **М. Абдусаломов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **I. Атамалар**

#### **1.1. Мазкур шартномада қўйидаги атамалар қўлланилади:**

- Шартномада «ижро ҳужжатлари»: «лойиҳа-смета ҳужжатлари» (ЛСХ) курилиш майдони; «вақтичалик иншиотлар»: «беркитилган ишлар»: «шартнома нархини бўлиб чиқиши», атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли қарорига 3-иловадаги “Намунавий пудрат шартномаси”нинг 1-бандига асосан қўлланилган.

Бундан ташқари: «**жорий молиялаштириш**»: шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда босқичма – босқич молиялаштириб бориш; «**маблаг билан таъминловчи орган**»: Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблаг билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги.

### **II. Шартнома мазмуни.**

**2.1.** Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, *Асака туман Тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги “Марказий шифохона”нинг кир ювии биносини таъмирлаш* ишларини амалдаги ШНК, КМК, СанПин ва ИКН 03-19 ларга амал қилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буортмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблаг билан таъминловчи орган томонидан маблаг ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

**3.1.** Мазкур шартнома бўйича, Тендер (танлов) савдоси натижасида аниқланган ва тендер (танлов) комиссиясининг қарори **18.06.2022й. (Лот рақами №103670)** даги баённома билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати лойиҳа смета ҳужжатларига асосан КҚС билан **884 105 413 (Саккиз юз саксон турт миллион бир юз беш минг турт юз ун уч минг )** сўмни ташкил этади. шундан КҚС сўммаси **115 318 097 сўм**.

**3.2.** Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қўйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгуб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандা;
- ишлар ҳажми Буортмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзgartирилганда;

**3.3.** Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**3.4.** Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

**4.1.** Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни обьектни лойиха-смета хужжатларига мувофик, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;
- курилиш майдонига “Ўзбекистон Республикаси худудида курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда кўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги”га киритилган ва кўлланишга мослих сертификатига эга булган, зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равища ахборот бериш;
- ЎзР.ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532-сонли карорига асосан, курилиш таваккалчи-ликларни суғурта қилиш;
- шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолат-номага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- обьектда конунда белгиланган тартибда меҳнат ва хавфсизлик техникасини таъминлаш;
- курилиш майдонини, ундаги курилиш ҳом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуна-ларни кўрикланишини таъминлаш.
- Пудратчи хисобот ойининг **25** санасидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳакикатда бажарилган ишлар ҳажми ва киймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, хисобот хужжатларини (счет-фактура) тақдим қилиши, бунда хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, кўлланилган курилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа
- керакли хужжатлар илова қилиниши; (**форма 2, форма 3, форма 5, биринчи шахс, хисобчи, ишлаб чиқарши бўлими бошлиги ва иш юритувчилар томонидан имзолаган ҳолда**)
- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета хужжатларда аниқланган нуксонлар ҳакида Буюртмачини, шунингдек, лойиҳачи ташкилотни ўз вактида хабардор этиш;
- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатлари бўйича обьектда бажариладиган иш кисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- объектда курилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим килиш;
- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига хужжат-лар тўпламини тақдим этиш;
- иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни курилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим килиш;
- объектни курилишида юзага келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳакида Буюртмачини дархол хабардор этиш;
- курилиш даврида Буюртмачи ва бошка назорат килувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган холда, улар томонидан аникланган камчиликларни ўз вактида, сифатли бажариш;
- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга кабул килиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

**4.2.** Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб килинган ҳолларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши;

**4.3.** Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

**4.4.** Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объекти белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

**4.5.** Пудратчи, тендер (танлов) савдолари натижасида аникланган пудрат ишлари ҳажмини шартномада жорий хисбот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортиқча иш ҳажмлари ва лойиҳа-смета хужжатларидан ташқари қўшимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қўшимча иш ҳажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий хокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юкори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган кўрсатмаларга факат, бажариладиган қўшимча ишларни молиялаштириш маибаита аниклик киритилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қўшимча келишув расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши белгиланади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

### 5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичиди, ишларни бажариш учун объект лойиҳа-смета хужжатларини, яроқли бўлган курилиш майдонини курилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат килиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаши;
- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши;

- Пудратчидан объектда кўлланилаётган курилиш материаллари, бутловчи буюмлар ва конструкцияларнинг кўлланишга мослик сертификатларига эга эканлиги тўгриси-даги ва ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи тўгрисидаги маълумотни талаб килиш.

## **VI. Ишларни бажариш муддати.**

**6.1.** Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вактдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

**6.2.** Тендер (танлов) савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътиборан **60** кунни ташкил этади.

## **VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар.**

**7.1.** Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 фоизи микдорида бўнак (аванс) хисобидан, ажратилган маблағлари доирасида **265 231 623.**(Икки юз олтмиш беш миллион икки юз уттиз бир минг олти юз йигирма уч минг ) сўм молиялаштириб берилади.

**7.2.** Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали хамда курилишга бюджетдан ёки бошка молиялаштириш манбаидан маблагларнинг ажратилганлиги асос хисобланади.

**7.3.** Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб колинган холда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик, ишлар ҳажмининг **100** фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми сўммасидан олдин тўланган бўнак маблаги олиб колиниб) бюджетдан ажратилган маблаглар доирасида амалга оширилади, бу **884 105 413** (**Саккиз юз саксон турт миллион бир юз беш минг турт юз уч уч**) сўмни ташкил этади.

**7.4.** Объект фойдаланишга топширилгунга кадар мулк хукуки Пудратчидан бўлиб, объекtnинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга кадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

**7.5.** Шартномада кўзда тутилган барча тўловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошка манбалардан маблаг ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечиккандা, Буюртмачи жавобгар бўлиб хисобланмайди.

**7.6.** Тендер (танлов) нархидан ташкири, технология талаби ёки юкори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик бўйича бажарилган курилиш монтаж ишлари киймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблаг ажратилгандан сўнг, тўлов амалга оширилади.

**7.7.** Маблаг тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиқкан тақдирда, ушбу низони ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнига маблаг билан таъминловчи органинг жалб килиниши таъминланади.

## **VIII. Ишларни бажариш.**

**8.1.** Буюртмачи, курилиш майдонида ўз вакилини—Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланила-диган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

**8.2.** Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

- 8.3.** Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
- 8.4.** Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
- 8.5.** Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура курилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
- 8.6.** Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.
- 8.7.** Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка килиш учун) Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.
- 8.8.** Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўкларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.
- 8.9.** Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.
- 8.10.** Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вактинча улашни ва улаш нуктларида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.
- 8.11.** Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.
- 8.12.** Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Курилиш соҳасида худудий назорат инспекция»сини ёзма равишида хабардор килади.
- 8.13.** Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Курилиш соҳасида худудий назорат инспекция»сини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
- 8.14.** Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга кадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятта эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг

бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиш санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни туталлашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маъумлотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён киласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриш мажбуритини ўз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшир-иш муддатидан камида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаш-тирилган холда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб ўрнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огохлантириб, шартноманинг уибу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш хукукига эга. Бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги лозим.

**8.15.** Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

**8.16.** Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда ҳабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб ҳабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитилади-ган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

**8.17.** Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

**8.18.** Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш аҳлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

## **IX. Ишларини кўриклashi.**

**9.1.** Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, курилиш туталланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олгунга кадар, четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жиҳозлар, мол-мұлқлар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.**

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу холатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўлик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор холати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартиришлар киритилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

#### **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.**

11.1. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофик барча мажбуриятларини томонлар бажаргандаридан кейин, курилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул килишини амалга оширади.

11.3. Пудратчи, курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг куриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва мухандислик тармоқларининг тайёрлиги тўғрисидаги хулосаларини, мухандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишида тасдиклайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул килиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўвактида расмийлаштирумаганлик учун Пудратчи жавобгар хисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул килиш далолатномаси тўлик расмийлаштирилиб, тасдикланганидан сўнг объект қабул килиб олинган хисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар.**

##### **12.1. Пудратчи куйидагиларни кафолатлайди:**

- барча ишларни тўлик хажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофик сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган курилиш-тъмирлаш ишлари хажми, етказиб келинадиган, кўлланиладиган курилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жиҳозлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда тегишли солик органларига, Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда хисобот бериб бориши;

- курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини, курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкцияларнинг "Ўзбекистон Республикаси худудида курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда кўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва кўлланишга мослик сертификатига эга бўлгандигини таъминлаш;
- обьект кабул килинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишини;
- обьектда ўрнатилган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини.

**12.2.** Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, обьект кабул килиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

**12.3.** Агар, обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аникланиб, у бартараф этилгунга кадар фойдаланишини имконини бермайдиган нуксонлари аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Аникланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилгандигини тасдиқловчи хужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича хужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан хужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш хукукини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш хукукига эга.

**12.4.** Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига катнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торгса, аникланган камчиликларни текшириб чикиш «Давлатархитектуракурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

### XIII. Шартномани бекор қилиш

#### 13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;
- Пудратчи томонидан курилиш ишлари шартнома шартлари, курилиш меъёрлари ва коидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор килиш ва ишни бошқа Пудратчи оркали давом эттириш хуқукига эга.

Шартнома бир томонлама бекор килинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдик ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли хужжат ва объектни топширишини бошлаши зарур. Пудратчини кайд этилган хужжатни расмийлаштирилиши бўйича тақлиф этилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдик ишлар бўйича хужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб килиш хуқукини беради.

### **13.2. Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи, молиялаштиришини шартнома шартлари бўйича бажармагандан;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинини талаб килиш хуқукига эга.

**13.3. Шартнома бекор килинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини тақлиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишини бошлаши зарур.**

**13.4. Шартнома бекор килиниши билан айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.**

**13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлани бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга хақли.**

## **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

**14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:**

- иккинчи томонга етказилган заарларни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида» ги қонунда ва бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

**14.2. Шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган ҳар бир кун учун кечиқтирилган тўлов сўммасининг 0,2 % микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий сўммаси кечиқтирилган тўловнинг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.**

**14.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2% фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.**

**14.4. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тўлиқ бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, иншоотни қабул килиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида расмийлаштирумаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, объект шартномавий жорий кийматининг**

0,01% микдорида пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий сўмаси объектнинг шартномавий жорий кийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% микдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди. **14.5.** Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар хисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови хисобидан ушлаб колади.

**14.6.** Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи «Курилиш соҳасида худудий назорат инспекция» сининг хуносаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50% микдорида жарима ундириш хукукига эга.

**14.7.** Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета хужжатлари бўйича келиб чикканда низони ҳал этиш учун иншоотни лойихасини ишлаб чиккан ташкилот ишга жалб килинади. Лойиха-смета хужжатларидаги аникланган камчилик ва нуқсонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

**14.8.** Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

**15.1.** Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан ҳал этадилар. Агар низоли масала ўзаро ҳал этилмагандан, конун хужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

**15.2.** Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар хисобланмайди.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

**16.1.** Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга кадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

**16.2.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Хисобот йили якунни билан бажарилмаган (якунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

**16.3.** Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун хак тўлашини кечикиришга ҳаклидир.

- 16.4.** Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳукуки ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.
- 16.5.** Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини З кун муддат ичida хабардор қилишлари шарт бўлади. Аникланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида кўшимча келишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат оркали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган хисобланади.
- 16.6.** Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади ҳамда конунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.
- 16.7.** Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига кадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод кilmайди.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

#### "БУЮРТМАЧИ"

Асака туман Тибииёт бирлашмаси А Яссавий  
72уй ИИН: 200283276  
Шхв: 401722860032247073101054008  
Уз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги  
х/р: 23402000300100001010  
МВ НККМ Тошкент шахар  
МФО: 00014, ИИН: 201122919

Рахбар:



Ш. Камолов

#### "ПУДРАТЧИ"

"SADAF STROY KAMFORT"  
Масъулияти чекланган жамияти  
Андижон вилояти, Асака тумани,  
Ниёзботир маҳалла Хуррият кўча -115 -уй  
х/р: 20208000305376255001  
ТИФ Миллий бани Асака филиали  
МФО: 00893 ИИН:308396751

Рахбар:



М. Абдусаломов